

ТАСДИҚЛАЙМАН

Кўштепа тумани тиббиёт

бирлашмаси рахбари

 **О.Муродов**

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Кўштепа-2022

II. Танлов иштирокчилари учун техник топшириқ

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Тиббиёт бирлашмасига қарашли Хумдон ФАП контейнерини жорий таъмирлаш

1.2. Танлов охириги қиймати 48 000 000 сум . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсудот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғалиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фарғона вилояти Қўштепа туман Тиббиёт бирлашмаси , (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:Қўштепа туман Соҳибқор МФЙ .адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов - “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 10 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми. Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

1	Буюрмачи	Қўштепа туман Тиббёт бирлашмаси
2	Буюртмачи манзили	Қўштепа туман Сохибкор мфй Сохибкор кўчаси 57
3	Объект номи	Қўштепа туман Тиббёт бирлашмасига қарашли Хўмдон ФАП континерини жорий таъмирлаш
4	Танлаш тартиб рақами	№
5	Танлаш тури	Очиқ танлаш
6	Танлаш ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	etender.uzex.uz махсус ахборот парталидан юклаб олишлари мумкин
7	Танлаш ўтказиш туғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилди:	etender.uzex.uz махсус ахборот парталидан эълон қилинди.
8	Танлашда иштирок этишга куйидаги танлаш иштирокчиларига рухсат этилади	Етарли машина механизмлар билан таъминланган соҳа бўйича зарур турувчи муҳандисларга ва ухшаш объектлар қурилишда бой тажрибага эга булган. Молиявий барқарор ташкилотлар иштирок етдилар. Қайта ташкил этилиш (бўлиниш қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулк мусорадага олинмаган. ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок холдит ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий- ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргалиқда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.
9	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд булса)	Сертификат Лицензия
10	Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатлари	Офёрталарни тақдим этиш охириги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига қадар
11	Танлаш ҳужжатлари тили	Ўзбек тили
12	Танлаш предметининг объектида ишлатиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари асбоб-усқуналари	б-шаклига асосан Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати
13	Танлаш иштирокчисининг техник ва молиявий қисмларини очилишига рухсат этилидиган танлаш иштирокчилари	Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган малакали шахслар
14	Буюртмачининг объект бўйича башланғич нархи	ҚҚС билан 48 000 000 сўм
15	Буюртмачи томонидан белгиланган бажариладиган иш муддати	15 календар кун.
16	Молиялаштириш манбаси:	Бюджет маблағлари
17	Бажариладиган иш молиялаштириш тартиби:	Таъмирлаш ишларининг жорий йилдаги қийматининг 30% аванс Охириги тулов-70% фойдаланишнинг тулов кафолат муддати тугагандан сўнг.
18	Шартнома тили	Ўзбек тили
19	Шартнома валютаси	Ўзбек сўмда
20	Ходим лавозими ва тел рақами	Бош ҳисобчи: Ё.Киргизова тел: 91-109-33-58